



O'ZBEKISTON OVOZI

«Наврўз — 2012»

ОГОҲЛИК — ОСОЙИШТАЛИК ВА ОБОДЛИК ОМИЛИ

Тинч ва осойишта юртга байрамлар ярашади. Мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик ва ҳамжиҳатлик муҳити халқимиз фаровонлиги, юртимиздаги тўқинлик ва қўт-бараканинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Наврўз байрамини катта хурсандчилик билан нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрилатган шу кунларда бу жиҳатлар яна бир бор яққол намоён бўлмоқда.

Бу айёмнинг тартибли ва уюшқоқлик билан ўтиши ички ишлар идоралари зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Шу босис соҳа ходимлари асосий эътиборни умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриши ва ўтказиш даврида жамоат тартибини сақлаш, йўл-ҳаракати ва ёнги хавфсизлигини таъминлаш ҳамда факулдада вазиятларнинг юзга келишига йўл қўймасликка қаратилган бўлиб кўрилади. Бу борада жамоатчилик ва маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилган.

Жамоатчилик ва ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлик асосида олиб бораётган ишларимиз жамиятимиз барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Бахтиёр Эгамбердиев. — Нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки унинг олдини олиш, фуқаролар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган эътибор ўз самаларини бераётган.

Шу кунларда бу борадаги ишлар қўлами янада кенгайди. Хар бир туман, маҳаллада ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тушунтириш тадбирлари ташкил этилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қўмақлашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзусидаги учрашувлар шулар жумласидандир. Бу каби профилактика ишлари кейинги йилларда мунтазамлик касб этаётгани тўғрисида одамларимиз онгидан фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш тўғрисида янада мустақамлаштирилган.

Пойтахтимизнинг ҳар бир маҳалла ва кўчаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар

соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли «То-залаш», «Антитеррор» тадбирлари уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тадбирлар давомида аниқланган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётган.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтимиздаги мавжуд 476 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида кўп-кўп маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли хил тўғарақлар, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилган ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериб, ишлар самардорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатаётган.

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган доимий эътибор осойишталик ва фаровонликнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган. Бу борада ички ишлар идоралари томонидан наркотик воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлани ўтказиб келинаётган. Февралда пойтахтимиз мактаблари ўқувчилари, олий ўқув юртлири талабалари ва маҳаллалар ёшлари орасида ўтказилган ушбу ойлик доирасида нафақат бундай иллатлар, балки одам савдоси, диний экстремизм каби муҳим жиноятларнинг оқибатлари чуқур тушунтирилди. Ушбу мавзулардаги учрашувлар ва давра суҳбатлари ҳозир корхона ва ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда давом эттирилмоқда.

(Давоми 4-бетда.)

Бошланғич ташкилот — асосий таянч



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛЛИГИ

партия истиқболини белгилайди

Чилонзор туманида ЎзХДПнинг 103 та бошланғич ташкилоти бор. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар тарғиботи, жойларда ечимини кутаётган камчиликларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этишда туман партия кенгашига суянч бўлиб, дастурий мақсадлар рўйбга чиқишида муносиб ҳисса қўшиб келаяпти.

— Бугун ҳаётнинг ўзи сиёсий партиялар зиммасига масъулиятли вазифалар кўйилмоқда, — дейди туман партия кенгаши раиси Раъно Маматқуллова. — Уларни изчил амалга ошириш учун партиянинг ҳар бир ташкилоти ва аъзоси бир ёқадан бош чиқариб интилиши, ўз ишини сидқидилдан адо этиши лозим. Бунда биз кўпроқ бошланғич ташки-

лотларга суянаемиз. Ҳозир депутатлар, хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда кўйи бўғинларда Мустақам оила йили муносабати билан семинарлар ўтказаямиз. Муҳими, бу борада уларнинг ўзи ташаббус билан чиқмоқда. Хусусан, Тошкент вилояти ихтисослашган соматик шифохонаси қошидаги бош-

ланғич ташкилот ҳар жиҳатдан ибрат кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерда партияимизнинг 50 дан ортиқ аъзоси бор. Уларнинг ҳар бири туман ва шаҳар партия кенгашига ўтказадиган тадбирларда доимий иштирок этади, муҳокама қилинган масала юзасидан амалий тақлифлар билдиради.

— Ҳафтанинг ҳар пайшанба кунини аъзоларимиз билан давра суҳбати ўтказамиз, — дейди бошланғич ташкилот етакчиси Бурхониддин Расулов. — Унда партия тизимида олиб борилаётган ишлар тарғиботига кенг ўрин бериш баробарида, фаолиятимиз самарасини таъминлаш, ишимизни янада жонлантириш учун иштирокчилар тақлифини ўрганаемиз, мамлакатимизда,

дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ўзаро фикр алмашамиз. Шу босис, партиядошларимизда ижтимоий-сиёсий жараёнга қизиқиш, унда фаол иштирок этиш кайфияти жуда кучли. Шунингдек, ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга қўлимиздан келганча қўмақлаштиришга ҳаракат қилаемиз.

Бошланғич ташкилот — партия негизи. Демак, унинг ҳар бир аъзоси ўз бурчини тўғри англаши, вазифасини астойдил бажариши лозим. Шунда ҳар бир қўйи бўғин кучли ва таъсирчан бўлади, партия дастурий мақсадларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшади.

Нурали ОРИПОВ

Суратда: БПТ етакчиси Б.Расулов партиядошлари билан.

Оила ҳақидаги ҳикमतлар

Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан — оила бор. Оила бор экан — фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди.

ИСЛОМ КАРИМОВ

Кўргазма

МОҲИР УСТАЛАР

ижодидан намуналар

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида халқ амалий санъати усталари ижодий ишларининг «Наврўз — 2012» кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси, халқ рассоми А.Нуриддинов, санъатшунос А.Ҳақимов ва бошқалар Президентимиз Исроом Каримов раҳнамолигида миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришга оид кенг қўламли чора-тадбирлар ёшларни баркамол инсонлар этиб воёга етказиш, улар онгига эзгу гоёларни синдириш, маънавий юксалтиришдек улғувор мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда халқ амалий санъатининг ифтихорига айланган уста-хунармандлар унутулмаётган мактаб ва йўналишларни тиклаш, «устоз-шогирд» анъанасининг бардавмоллигини таъминлаш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу жарёнда узоқ йиллардан буён ота-болалар касбини ардоқлаб келган, ўз йўналишида мактаб яратган моҳир усталар, таниқли сулола вакиллари ижодий ўрганиш, уларнинг маънавий меросидан ёшларни баҳраманд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўргазмада ўзбек халқ амалий санъатининг ифтихорига айланган уста-хунармандлар томонидан тайёрланган ижод намуналари томошбинлар эътиборига ҳавола этилган. Машҳур чиггар Абдурахмон Абдуғофуров, мусиқа асбоблари устаси Усмон Зуфаров, моҳир ганчкор Тошпўлат Арслонқуллов сингари кўплаб номдор хунармандлар томонидан ишланган буюмлар шулар жумласидандир. Мамлакатимиздаги етакчи музейларда сақланаётган маъмур асарлар жондорлиги нуфузли кўргазмаларда ҳам намоён бўлди.

Назозат УСМОНОВА, Ўза муҳбири.

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Россиянинг Дубна шаҳридаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институти шу соҳадаги дунёнинг энг етакчи ва нуфузли илмий даргоҳларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу ерда йигирмага яқин давлат олимлари фаннинг турли йўналишларида тадқиқотлар олиб боришапти.



ИНСОНИЯТ ЭНЕРГИЯ МУАММОСИДАН ХАЛОС БЎЛАДИ

Ўзбекистонлик ёш олим, физика-математика фанлари номзоди Шухрат Қаландаровнинг илмий тадқиқотлари айнан мана шу глобал муаммони ечишга қаратилган



Шухрат ҚАЛАНДАРОВ 1980 йили Амурдёр туманида туғилган. 2001 йил Ўзбекистон Миллий университети физика факультетининг бакалавр, магистратура босқичини тамомлаган. 1998 йил олий ўқув юртлири талабалари ўртасида физика фанидан ўтказилган олимпиада гóлиби, 2005 ва 2007 йилларда Германиянинг DAAD (Германия академик алмашувлар хизмати) илмий фондининг Лиенард-Вихерт номли, 2011 йили Дубна шаҳридаги Ядро тадқиқотлари бирлашган институти томонидан дунё бўйича энг иқтидорли ёш олимларга танлов асосида берилган махсус стипендиялари совриндори.

→ 4

Жамоатчилик назорати

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲАМИША ҲАҚ

аммо бунинг аввало ўзи исботлай олиши керак, — дейди Республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси раиси Баҳодир Абдуқаноимов

1962 йилнинг 15 март кунини АҚШ Конгресси йиғилишида истеъмолчининг хавфсизлик ҳуқуқи, маълумотга эга бўлиш, танлов ва ўз манфаатларини ифодалаш каби тўртта асосий ҳуқуқлари белгиланган эди. Кейинчалик булар қаторига кўрилган зарарни ундириш, истеъмолчи учун зарур бўлган билимларга эга бўлиш, базавий эҳтиёжларни қондириш ва соғлом атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқлари ҳам қўшилди. 15 март санаси 1983 йилдан буён Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кунини сифатида нишонланади.

Суҳбатдошимиз — Республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Тошкент шаҳар ҳудудий бирлашмаси раиси Баҳодир Абдуқаноимовнинг таъкидлашича, бу ҳаракат тарихи аслида жуда узоқ даврларга бориб тақалади.

Қадимда Шарқ бозорларида ҳам махсус ходимлар бўлган. Харидор сотиб олган буюм ёки маҳсулот сифатидан кўнгли тўлмасе, шу хизматчига мурожаат қилган. У молнинг сифати тўғрисида хулоса чиқариб, сотувчи ва харидорни келишига чақирган, унинг қарори сўзсиз бажарилган. Бундай лавозимга билимли, фикрини тушунарли баён қила оладиган ва бошқаларга ҳам ўткази оладиган кишилар тайинланган. Ордан асрлар ўтганига қарамай, истеъмолчи манфаатини ҳимоя қиладиган жамоатчилик вакиллари олди-ҳам худди шундай талаблар қўйилмоқда. Бунга суҳбатимиз давомида амин бўлди.

(Давоми 3-бетда.)

